ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ЯНГИЧА ТАДҚИҚИ

А.НУРМОНОВ

В статье рассматривается концепция сложноподчиненных предложений узбекского языка в работах профессора Н.Махмудова.

The article deals with the conception of complex sentences with subordinate clauses in Uzbek and in works by professor N.Makhmudov.

Фанлар тараққиётига назар ташласак, у гўё тўлқинлар силсиласидан ташкил топгандек кўринади. У ёки бу фан муайян ривожланиш босқичларига эга бўлиб, ҳар бир босқичда ўрганилган объектга турли нуқтаи назардан ёндашилганлигининг гувоҳи бўламиз. Тилшуносликнинг ҳам илк даврида тилнинг фалсафий масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик гоҳ тил глоттохронологиясига, гоҳ индивидуал нутққа, гоҳ тилни "тилдан ташқаридаги ходисалар конгламерати" сифатида эмас, балки улардан ҳоли равишда "имманент" ҳолда ўрганиш тадқиқотчилар диққатини тортди.

Тилни имманент ўрганишга эътибор қаратган структур оқим тилшунослик тараққиётида жуда катта рол ўйнади. Лекин ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарига келиб ўз нуфузини йўқота бошлади. Ю.Степанов фикрига кўра, "догматик структурализм"га айланди. Тилни соф структур схема сифатида ўрганиш унинг шаклий томонига асосий эътиборнинг кучайишига олиб келди. Натижада лингвистик бирликларнинг шакл ва мазмун муносабатларидан ташкил топган яхлитлик эканлигини, тилни онгда акс этган объектив борлиқнинг умумлашган образларини ифодаловчи қудратли коммуникатив восита, В.Гумбольдт таъбири билан айтганда, "эргон" эмас, "энергия", яъни фаолият эканлигини ёритиб беришда бир ёқламаликка йўл қўйилди.

Структурализм йўл қўйган ана шу бир ёқламаликка барҳам беришга интилиш тилшуносликнинг янги йўналишини бошлаб берди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан лингвистик белгининг мазмуний томонини тадқиқ қилишга эътибор қаратилди. Бунинг натижасида шакл ва мазмун муносабатини ёритишда "мазмундан шаклга" қараб йўналувчи ономосиологик тамойилга ўтилди.

Синтактик сатҳда ана шундай тамойилнинг қўлланилиши синтактик семантикани майдонга келтирди.

Н.Маҳмудов туркологияда илк бор содда гап сатҳида шакл ва мазмун муносабатини докторлик диссертацияси мақомида ёритиб берган бўлса, кейинчалик қўшма гапларни ономосиологик аспектда ўрганишга бел боғлади.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида туркий тиллар синтаксиси, хусусан, қўшма гап синтаксиси бўйича бир қанча тадқиқотлар дунёга келди.

Н.Маҳмудов ўзигача туркийшуносликда қўшма гап синтаксиси тадқиқига бағишланган асарларнинг фандаги хизматларини алоҳида таъкидлаш билан биргаликда, бу тадқиқотлар, асосан, шаклга қаратилганини, "мазмун тадқиқотчининг бевосита диққат марказида турмагани"ни. "ўзбек тилидаги, умуман туркийшуносликдаги қўшма гап назариялари, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилганини"ни, "рус тилшунослигидан нусха кўчириш бир қадар анъанага айланган"ини баён қилади [1.211]

У, умуман, бошқа тилшуносликлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланишни қораламайди. Хар қандай фан, жумладан, тилшунослик ҳам бир-биридан озиқланади. Аммо ижодий фойдаланиш бошқа нарса-ю, айнан нусха кўчириш, масалан, рус тилшунослигидаги таърифларни таржима қилиб олиб, уларни ўзбек тилидан олинган мисоллар орқали "далиллаган бўлиш" мутлақо бошқа нарса эканлигини, бундай вақтда ўзбек тилининг ўз табиати очилмай қолишини тўғри таъкидлайди.

Хинд-оврупо тилларини ўрганиш жараёнида шаклланган тадқиқот методларини бошқа системадаги тилларни ўрганишга қўллаб бўлмаслигини Америка ҳиндулари тиллари тадқиқотчиси Ф.Боас ҳам таъкидлаган эди.

Нусха кўчириш, айниқса, эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқида яққол кўзга ташланар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти яширин ҳолда қолаётган эди. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, Н.Маҳмудов эргаш гапларнинг ўзбекона табиатини, эргаш гап билан бош гап ўртасидаги ўзига хос муносабатни очиб беришга эътиборни қаратди.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап синтаксиси муаммоси 60-йиллардан буён ўрганиб келинади. Улар орасида акад. Ғ.Абдураҳмонов ва проф. М.Асқароваларнинг тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради.

Айрим олимлар борки, ўз изланишларининг аҳамятини бўрттириш учун ўзигача бўлган тадқиқотларнинг тилшунослик фани равнақи йўлидаги хизматларини камситиб кўрсатишга, умуман, беэътибор қолдиришга харакат қиладилар.

Мавжуд асарларга беписандлик билан қараган олимлар, проф. Д.Қуронов таъбири билан айтганда, “мом синдроми” касалига чалинган бўлади [4]. Н.Маҳмудов эса ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни ўрганишда Ғ.Абдураҳмонов, М.Асқарова ва А.Бердиалиевларнинг хизматларини таъкидлайди. Уларнинг ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиёти учун илмий-назарий замин ҳозирлаганлигини, ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётини мазкур тадқиқотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини баён қилади. Бу муаллифнинг нақадар ҳолис тадқиқотчи эканлигидан далолат беради.

Айни пайтда улар суянган тадқиқот методининг объектни ҳолисона ўрганиш учун ожизлик қиладиган томонларини ҳам рўйи рост очиб беради. Хусусан, Ғ.Абдураҳмонов ва М.Асқаровалар учун асос бўлган формал метод, А.Бердиалиев асосланган ва “шаклдан мазмунга” тамойилига асосланувчи таркибий-мазмуний метод эргаш гапли қўшма гаплар орқали ифодаланган объектив мазмунни очиб беришда бир қадар ожизлик қилганини тўғри баҳолайди ва улар йўл қўйган камчиликни бартараф қилиш, ўзбек тилининг ички хусусиятларини ёритиш учун қўл келадиган “мазмундан шаклга” тамойилига асосланувчи мазмуний таркибий методга асосланади.

Бу метод инсоннинг оламни билиш усулига, борлиқни онг орқали акс эттириш ва уни акустик сигналлар орқали ифодалаш, яъни, борлиқ-онг-тил диалектикасини ёритишга, тилни онг орқали акс этган объектив борлиқни ифодалаш функциясини, номинация жараёнини очиб беришга қулай имконият яратади.

Бундай методга асосланадиган грамматика “идеографик грамматика” деб ҳам юритилади. Идеографик грамматикада асосий эътибор муайян мазмуннинг қандай воситалар ёрдамида ифодаланишига қаратилади. Рус тилшунослигида С.А.Шувалованинг “Қўшма гапдаги мазмуний муносабатлар ва уларнинг ифодаланиш усуллари” китоби ана шундай грамматиканинг ёрқин намунасидир [3].

Н.Маҳмудов, С.А.Шувалова тадқиқотига ижобий баҳо берган ва ундан ижодий фойдаланган ҳолда, ўзбек тилидаги қўшма гапларнинг мазмуний муносабатлари ва уларнинг ифодаланиш усулларини ёритишга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кунда мазмуний синтаксис муаммоси бўйича бир қанча асарлар майдонга келган бўлса ҳам, лекин “гап мазмуни” деган тушунчага ёндашув бир хил эмас. Низомиддин Маҳмудов гап мазмунига денотатив концепция нуқтаи назаридан ёндашади.

Бу концепцияга кўра, гап мазмунининг денотати ғайрилисоний вазиятдан, муайян воқеадан иборат бўлади. Маълум синтактик структура орқали ифодаланган бундай вазият *пропозиция, пропозотив структура* ёки *диктум, диктал маъно* деб ҳам юритилади. Н.Маҳмудов қўшма гапларни мазмуний жиҳатдан тадқиқ қилар экан, борлиқдаги воқеалар ўртасидаги муносабатлар ва бу муносабатларнинг ифодаланиш йўлларини ёритишга ҳаракат қилади.

Системавийлик назариясига кўра, борлиқдаги барча воқеа-ходисалар бир-бири билан узвий боғланган. Алоқадорликдан ташқарида бўлган воқеа-ходисаларнинг ўзи йўқ. Воқеалар ўртасидаги муносабатлар мураккаб ва хилма-хилдир. Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, бундай муносабатлар қўшма гапларнинг барча турлари орқали ифодаланиши мумкин бўлса ҳам, лекин уларнинг ифодаси учун энг қулайи эргаш гапли қўшма гаплар саналади. Чунки воқеалар ўртасидаги муносабат қўшма гапларнинг бошқа турларига нисбатан аниқ ва тўлиқ ифодаланади.

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, воқеалар ўртасидаги муносабатнинг ифодаланиши ва белгиланишида боғловчи ва боғловчи воситаларнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Эргаштирувчи боғловчилар ва шундай боғловчи воситалар эргаш гап мазмунини тайин этиши мумкин. Шунинг учун ҳам Н.Маҳмудов асосий этиборни эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқига қаратади.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг характерли хусусияти шундаки, бундай гапларда ҳозирги тилшуносликда *пропозиция* номи билан тилшуносликда кенг тарқалган объектав воқелик доимо икки ва ундан ортиқ бўлиши шарт эмас. Шунга кўра муаллиф эргаш гапли қўшма гапларни икки ва ундан ортиқ денотатив воқеа ифодаланган ва бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларга ажратади. Битта воқелик, яъни пропозиция содда гап орқали ҳам, қўшма гап орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *Шуни сездимки, уяляпсан* гапи билан *Уялаётганингни сездим* гапи бир умумий маънони, битта пропозицияни ифодалаши билан бир синонимик парадигмани хосил қилади. Лекин уларнинг фарқи предикативлик миқдоридадир. Биринчи гапда предикативликни билдирувчи бирликлар иккита, иккинчисида эса битта. Демак улар шаклий фарқланишга эга. *Қўнғироқ чалинса, дарс бошланади* гапида эса воқелик (пропозиция) ҳам, предикативлик ҳам иккита. Бундай гапларда шакл билан объектив мазмун бир-бирига мувофиқ келади.

Машҳур тилшунос Ш.Балли битта *пропозиция* ифодаланган юқоридаги гапларда бир-биридан фарқланувчи икки хил мазмун – борлиқни акс эттирувчи объектив мазмун ва сўзловчининг ана шу борлиққа муносабатини билдирувчи субъектив мазмун мавжудлиги, биринчи мазмун диктал (диктум), иккинчиси эса модал (модус) маъно ҳисобланишини баён қилади. Гап мазмунини бундай икки турга ажратиш туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилидаги

эргаш гапли қўшма гаплар семантикасини тадқиқ этишда Н.Маҳмудовга жуда қўл келди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда у содда гапларда бир диктум турли модуслар билан бирга ифодаланиши, қўшма гапларда эса айрим ҳолларда модус ва диктум алоҳида-алоҳида, яъни қўшма гапнинг бир қисмида модус, иккинчи қисмида диктум ифодаланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлади. Масалан, *Мен ўйлайманки, дўстим бугун келмайди* қўшма гапининг бош гап қисми (*мен ўйлайманки*)да модус, эргаш гап қисми (*дўстим бугун келмайди*)да диктум ифодаланганини таъкидлайди.

Н.Маҳмудов турли системадаги тилларда қўшма гапларни денотатив нуқтаи назардан солиштирган ҳолда, ўзбек тилидаги қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятини ишонарли далиллар билан очиб беради. Хусусан, рус тилида модус ифодачиси бош гап бўлса, ўзбек тилида бу қисм эргаш гап орқали ҳам ифодаланаверади.

Синтактик сатҳда шакл ва мазмун номутаносиблигини содда гап мисолида ўрганган Н.Маҳмудов кейинчалик бундай муносабатни қўшма гаплар мисолида ҳам тадқиқ этади. Содда ва қўшма гапларда шакл ва мазмун номутаносиблигини бир-бирига қиёслаб ўрганиш натижасида муаллиф бундай гапларнинг шакл ва мазмун номутаносиблигида иккита тамойил амал қилиши ҳақидаги жуда муҳим хулосага келади. Унинг фикрича, содда гаплар доирасидаги мазмуний-синтактик номувофиқлик, асосан, тилдаги тежаш тамойилининг намоён бўлиши сифатида юзага келса, қўшма гаплардаги бундай номувофиқликнинг замини тилдаги ортиқчалик тенденциясига бориб тақалади. Бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик номувофиқлик ҳамиша мавжуд бўлади ва бу номувофиқликнинг юзага келиши тилдаги ортиқчалик тенданциясининг амал қилиши натижасидир. Муаллифнинг катта ютуғи шундаки, эргаш гапли қўшма гапларда ортиқчалик тенденцияси асосида мамуний-синтактик номувофиқликнинг юзага келиш механизимини ишончли далиллар асосида ёритиб беради.

Эргаш гапли қўшма гапларни мазмуний нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бундай гапларнинг барча турларини қамраб олиши табиий. Шундай экан, эргаш гапли қўшма гаплар таснифи муаммоси ҳам Н.Маҳмудов диққатини жалб этади.

Синтактик сатҳ бирликлари ичида қўшма гаплар содда гапларга нисбатан анча кейин ўрганилгани туфайли, қўшма гапларни тадқиқ қилишда содда гап бўлакларига қиёслашдан фойдаланилади. Дарҳақиқат, содда ва қўшма гапларнинг синтактик тузилишида изоморфлик мавжуд. Содда гап тобе муносабатда бўлган бўлаклар бутунлигидан, эргаш гапли қўшма гаплар эса ўзаро тобе муносабатда бўлган гаплар бутунлигидан ташкил топади. Содда ва қўшма гаплар ўртасидаги ана шундай изоморфизм қўшма гап, хусусан, эргаш гапли қўшма гаплар таснифига асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли қўшма гапларни яхлитлигича содда гапларга, эргаш гапларни эса содда гап бўлакларига ўхшатишга асосланган тасниф тилшунослик тарихида жуда кенг тарқалган эди. Шу билан бирга эргаш гапли қўшма гапларни бош ва эргаш қисмларнинг боғланиш воситаларига кўра шаклий нуқтаи назардан таснифлаш ҳам изоморфизм тамойили билан параллел равишда амал қилар эди.

Шундай қилиб, жаҳон тилшунослигида эргаш гапли қўшма гапларни изоморфизм ва шаклий (боғловчи воситаларга кўра) тамойиллар асосида таснифлаш анъанаси мавжуд эди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб бундай гаплар таснифининг учинчи тамойили – функционал тамойил ҳам дунёга келди. Бу тамойил рус тилшуноси Н.С.Поспелов томонидан олға сурилган бўлиб, у эргаш гапнинг бош гапга нисбатан вазифасига кўра эргаш гапли қўшма гапларни икки турга – бир аъзоли ва икки аъзоли эргаш гапли қўшма гапларга ажратади. Бош гап таркибидаги битта сўзни (бўлакни) изоҳлаб, унинг маъносини конкретлаштириб келувчи эргаш гап иштирок этган гап бир аъзоли, бош гапга яхлитлигича боғланиб, унинг маъносини бир бутун ҳолда изоҳлаб келувчи эргаш гап иштирок этган гап икки аъзоли эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади [2].

Ўзбек тилшунослигида ҳам эргаш гапли қўшма гаплар таснифида юқоридаги уч тамойил у ёки бу даражада амал қилар эди.

Н.Маҳмудов бу тамойилларни чуқур таҳлил этган ҳолда, эргаш гапли қўшма гаплар таснифида тўртинчи тамойил – позицион тамойилни олға суради. Бундай тамойил асосида эргаш гапли қўшма гапларни тасниф қилиш ўзбек тилшунослигида тамоман янгилик эди.

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай гап аслида синтактик позициялар системасидан иборат. Содда гаплардаги синтактик опзициялар эргаш гапли қўшма гаплардаги синтактик позициялардан фарқ қилмайди. Синтактик позиция учун айни позицияни қандай бирлик эгаллаши аҳамиятли эмас. Бир синтактик позицияда гап бўлаги ҳам, эргаш гап ҳам келиши мумкин.

Синтактик позиция гапдаги предикатни ифодалаган сўзнинг валентлигига кўра юзага келади. Ёйиқ содда гап таркибидаги тобе бўлаклар кесимлик шаклидаги предикатни ифодалаган сўзнинг валентлигини, эргаш гапли қўшма гап таркибидаги эргаш гап эса бош гап таркибидаги предикатив шаклни олган предикат ифодаланган сўзнинг валентлигини тўлдириб келади. Демак, эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасидаги сўзнинг маъноси ва валентлиги эргаш гапнинг моҳиятини ва қўлланишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам

муаллиф туркийшуносликда биринчилардан бўлиб эргаш гапли қўшма гапларни мазмуний жихатдан ўрганишда валентлик назариясидан фойдаланади.

Эргаш гапли қўшма гапларга синтактик позиция нуқтаи назардан ёндашиш ва позицион синтаксисда валентлик назариясидан ўринли фойдаланиш Н.Маҳмудовга эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапнинг вазифаси бўйича баён қилинган айрим фикрларга ҳақли равишда танқидий баҳо бериш имконини берди. Жумладан, эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапнинг бош гапга нисбатан икки хил функцияси: бош гапни яхлитлигича изоҳлаш ва бош гап таркибидаги битта бўлак маъносини изоҳлаш вазифаси ҳақидаги ўзбек олимари фикрларига танқидий баҳо берган ҳолда, эргаш гапларнинг биринчи функцияси ҳақидаги фикр мантиқан тўғри эмаслигини, бундай гаплар ҳам бош гап таркибидаги кесимнинг валентлигини тўлдириб келишини баён қилади. Унинг фикрича, аниқловчидан бошқа ҳар қандай гап бўлаги функционал жихатдан фақат кесимга алоқадор бўлади. Кенг маънодаги ҳол синтактик позициясини эгаллаган предикатив бирлик, яъни эргаш гап яхлит бош гапга эмас, балки унинг бир конетруктив бўлаги – кесимга алоқадор бўлади. [1.241].

Н.Маҳмудов ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни валентлик назарияси асосида таҳлил қилар экан, бош гап предикати валентлигини икки турга – кучли ва кучсиз валентликларга ажратади. Предикат валентликларини бундай турларга ажратиш эргаш гапли қўшма гапларни ҳам икки турга – ҳавола бўлакли ва ҳавола бўлаксиз гапларга бўлишга имкон беради. Ҳавола бўлак деганда дейксислар назарда тутилиб, улар кўпроқ бош гап таркибида бўлганлиги учун бош гапларни ҳам дейксисларнинг иштирок этиши-этмаслигига кўра ҳавола бўлакли ва ҳаволда бўлаксиз турларга ажратади.

Шу давргача эргаш гапли қўшма гаплар фақат эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан бажарадиган мазмуний вазифасига кўра таснифланар, бош гапларнинг бундай таснифи эса туркийшуносликда тамоман янгилик эди.

У эргаш гапли қўшма гапларни ҳавола бўлакнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги белгиси асосида тасниф қилиш билан бирга, бу белгининг бош гап семантикасига таъсири асосида бош гапларни ҳам икки турга – синсемантик ва автосемантик турларга ажратади. Унинг фикрича, ҳавола бўлакли бош гап синсемантик хусусиятига эга бўлади. Яъни эргаш гаплардан ажралиб, мустақил қўллана олмайди. Эргаш гапдан ажратилса, мазмунан чала бўлиб қолади. Ҳавола бўлаксиз бош гаплар эса автосемантик бўлади. Эргаш гаплардан ажратиб олинганда ҳам мазмунан нисбий мустақилликни сақлай олади, мазмунан чала, нотўлиқ бўлиб қолмайди.

Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлак баъзан иккита бўлиши мумкин. Ҳавола бўлакларнинг миқдорига кўра бундай гаплар бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларга ажратилади. Бош гап таркибида кўрсатиш олмоши иштирок этиб (баъзан у шаклан иштирок этмаса ҳам, мазмунан мавжудлиги сезилиб туради), эргаш гап бу олмошнинг бўш мазмунини тўлдириш учун хизмат қилади. Бундай гаплар бош гап мазмунига кўра синсемантик, ҳавола бўлак миқдорига кўра бир ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гап саналади.

Айрим эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап қисмида сўроқ олмошлари, бош гап қисмида эса унга жавоб бўлувчи олмошлар иштирок этади. Бош ва эргаш гаплардаги бу ҳавола бўлаклар савол-жавоб тарзидаги доимий қаршилантиришни ташкил этади: *ким, кимки* (эргаш гапда), *у, ўша* (бош гап таркибида) каби. Муаллиф бундай гапларнинг бош ва эргаш қисмлари ўртасидаги алоқа табиатининг ҳам ўзгача эканлигини, тобелик алоқаси бошқа эргаш гапли қўшма гаплардан фарқли равишда, икки томонлама эканлигини, алоқа йўналиши эргаш гаплардан бош гапларга, айни вақтда бош гаплардан эргаш гапларга томон ҳаракат қилишини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам икки ҳаволали эргаш гапли қўшма гапларни ўзаро тобеланишли эргаш гапли қўшма гаплар деб ҳисоблайди.

Шундан сўнг анъанавий гап бўлаклари андозасида таснифланган барча эргаш гапли қўшма гапларни ана шундай тамойиллар асосида тадқиқ этади. Бунинг натижасида Н.Маҳмудов ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг ономосиологик тадқиқини яратди ва бу билан туркийшуносликнинг қўшма гаплар синтаксиси бўлимининг ривожланишга салмоқли ҳиссасини қўшди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.- Т.: Фан, 1992

2. Поспелов Н.С. Развитие предложений одночлеыной структуры. // Изменения в строе сложноподчиненных предложений в русском литературном языке XIX в.- М.,1964

3. Шувалова С.А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения.- М., 1990

4. Қуронов Д. Адабий жараёнда “Мом синдроми”.- Т.: 2010

Андижон давлат университети
2011 йил 5 январда қабул қилинган